

ISSN: 2181-1040  
DOI: 10.26739/2181-1040  
[tadqiqot.uz/renaissance](http://tadqiqot.uz/renaissance)



# JCAR

JOURNAL OF CENTRAL  
ASIAN RENAISSANCE



VOLUME 5 | 2024  
ISSUE 1

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ  
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE  
VOLUME 5, ISSUE 1



ТАШКЕНТ-2024

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ЖУРНАЛИ

№1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2024-1>

## Бош муҳаррир:

### МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

#### Бош муҳаррир ўринбосари:

#### ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфисизлиги университети

#### Бош муҳаррир ўринбосари:

#### ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

### МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,  
профессор (Ўзбекистон)

### ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий  
академияси академиги, санъатшунослик фанлари  
доктори, профессор (Ўзбекистон)

### МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсииё тадқиқотлари  
маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

### ЖҮРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети  
профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

### МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
қошидаги "Фалсафа" илмий марказ раҳбари,  
фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий  
ва инновация ишлари бўйича проректори,  
филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари  
кафедраси PhD доктори (АҚШ)

### АНТОНИО АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги СЕУ университети  
профессори (Испания)

### ШИРИНОВА РАЙМА ҲАҚИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети  
халқаро ишлар бўйича проректори,  
филология фанлари доктори,  
профессор (Ўзбекистон)

### КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хоффстра университети профессори,  
тарих фанлари доктори (АҚШ)

### ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети  
профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

### ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Андижон давлат университети "Фалсафа" кафедраси  
мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

### МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманганд мұхәндислик-технология институти профессор,  
фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

### САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти  
фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети доценти, педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
(Ўзбекистон)

### ДЖҮРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
(Ўзбекистон)

### МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманганд давлат университети в.б. доценти, социология  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### ШУҚУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
(Ўзбекистон)

### РЎЗИБОЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

#### КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. [WWW.TADQIQOT.UZ](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

#### EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF [WWW.TADQIQOT.UZ](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2023-2>

## Главный редактор:

### МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

#### Заместитель главного редактора:

#### ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент  
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

#### Заместитель главного редактора:

#### ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

доктор философских наук (PhD), Национальный  
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

## Члены редколлегии научно-теоретического и социально-философского журнала Ренессанса Центральной Азии

### МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ректор Национального университета Узбекистана,  
профессор (Узбекистан)

### ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Академия наук Узбекистана,  
академик Академии художеств Узбекистана,  
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

### МАРИАННА КАМП РУТЦ

профессор Центра Евроазийских исследований  
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

### ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ

профессор Узбекского государственного университета  
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

### МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

руководитель Научного центра «Философия» при  
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо  
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

### ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ

проректор по научным исследованиям и инновациям  
Международной исламской академии Узбекистана,  
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

### КЛЭР РООСИЕН

PhD доктор кафедры  
Славянских языков и литературы  
Иельского университета (США)

### АНТОНИО АЛОНСО МАРКОС

профессор Университета  
CEU имени Сан Пабло (Испания)

### ШИРИНОВА РАИМА ҲАҚИМОВНА

проректор по международным связям  
Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,  
профессор (Узбекистан)

### КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

профессор Университета Хофстра,  
доктор исторических наук (США)

### ГАБИТОВ ТУРСУН ҲАФИЗОВИЧ

профессор кафедры религиоведения и культурологии  
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,  
доктор философских наук (Казахстан)

### ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ҲОДЖАМКУЛОВНА

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского  
государственного университета, кандидат  
философских наук, профессор. (Узбекистан)

### МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

профессор Наманганского инженерно-технологического  
института, доктор философских наук (Узбекистан)

### САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоийского государственного педагогического института,  
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

### ИНАКОВ КАМИЛЖОН ҚАДЫРЖАНОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)  
по педагогическим наукам (Узбекистан)

### ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии  
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

### ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии  
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

### МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

и.о. доцент Наманганского государственного университета,  
доктора философии (PhD) по социологическим наукам  
(Узбекистан)

### ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Национального Университета Узбекистана имени Мирзо  
Улугбека, доктор философии по философским наукам (PhD)  
(Узбекистан)

### РЎЗИБОЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎГЛИ

докторант кафедры Философии и логики Национального  
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан)

Дизайн-верстка: [@tadqiqotdesign](#)

#### КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

#### EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2023-2>

## Chief Editor:

### MADAEVA SHAKHNOZA AMANULLAEVNA

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor

The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

## Deputy Chief Editor:

### YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,  
Associate Professor of the University of Public Security  
of the Republic of Uzbekistan

## Deputy Chief Editor:

### KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH

Doctor of Philosophy (PhD), National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

## MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

### MADJIDOV INOM URUSHEVICH

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

### KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH

Academy of Sciences of Uzbekistan,  
Academician of the Academy of  
Arts of Uzbekistan, Doctor of  
Art History, Professor (Uzbekistan)

### MARIANNE KAMP RUTZ

Professor of the Center for Eurasian Studies  
at Indiana University, Doctor of History (USA)

### DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH

Professor of the Uzbekistan State  
University of World Languages,  
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

### MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA

Head of the Scientific Center "Philosophy"  
at the National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of  
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

### ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH

Vice-Rector for Research and Innovation of the  
International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

### CLAIRE ROOSIEN

Department of Slavic Languages and Literature  
of the Yale University, PhD (USA)

### ANTONIO ALONSO MARCOS

Professor of the University of CEU  
named after San Pablo (Spain)

### SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA

Vice-Rector for International Affairs of the National  
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

### KARIMOV ELYOR ERIKOVICH

Professor of the Hofstra University,  
Doctor of Historical Sciences (USA)

### GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,  
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

### YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA

the head of the "Philosophy" department of Andijan  
State University, DCs, professor. (Uzbekistan)

### MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH

Professor of the Namangan Institute of Engineering  
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

### SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor  
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

### INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

### TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

### JURAEVA NIGORA AVAZOVNA

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

### MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH

Acting Associate Professor of  
Namangan State University, Doctor of Philosophy  
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

### SHUKUROV AKMAL SHAROFOVICH

The National University of Uzbekistan named  
after Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

### RO'ZIBOEV DOSTONBEK DILMUROD O'G'LII

doctoral student of the National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek, (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @devdasdesign

### КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. [WWW.TADQIQT.UZ](http://WWW.TADQIQT.UZ)

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

### EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF [WWW.TADQIQT.UZ](http://WWW.TADQIQT.UZ)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Мадаева Шахноза Омонуллаевна</b> ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ (Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил).....	7
<b>2. Файзиходжаева Дилбар Иргашевна</b> ШАРҚ УЙГОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	13
<b>3. Отаматов Музаффар Абдурашидович</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ.....	19
<b>4. Kandov Bahodir Mirzayevich, Alimukhamedova Nodira Yadgarovna</b> THE INTEGRATION OF THE RENEWING UZBEKISTAN INTO THE WORLD COMMUNITY AND GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS.....	28
<b>5. Djurayev Avaz Akhmedjanovich</b> SOCIAL AND PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF DIGITALIZATION PROCESSES IN UZBEKISTAN.....	36
<b>6. Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли</b> ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	43
<b>7. Маматқұлов Санжар Тошпұлатович</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС.....	51
<b>8. Djurayeva Nigora Avazovna</b> SYSTEM ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL CATEGORIES “CIVILIZATION”, “CULTURE” IN THE CONTEXT OF THE PARADIGM OF SOCIAL EXISTENCE.....	59
<b>9. Тошов Хуршид Илхомович</b> ОНГНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	67
<b>10. Шамсутдинова Нигина Каримовна</b> СУФИЙСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “ДУША” В ВОЗЗРЕНИЯХ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ.....	77
<b>11. Zhang Lei</b> SYSTEMATIC PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MECHANISM OF THE "BELT AND ROAD" PROPOSED BY CHINA.....	83
<b>12. Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли</b> ЭДВАРД САЙД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА “ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ.....	90
<b>13. Гулямов Хуршид Жамшетович</b> РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОМУ АППАРАТУ «КАНОНА МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ».....	102
<b>14. Норбоев Жавлон Акбарали ўғли</b> МУҲИЙДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	110

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ**

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE****Норбоев Жавлон Акбарали ўғли**

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

“Фалсафа ва мантиқ” кафедраси 1-босқич магистранти

norboevjavlon2101@gmail.com

**МУҲИЙДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН  
ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12170660>**АННОТАЦИЯ**

Ислом билан деярли бир вақтда пайдо бўлган тасаввуф соф исломий ҳодиса бўлиб, вақт ўтиши билан унинг таъсир кучи чегара билмас даражага етди. Айтиш жоиз бўлса ўрта аср одамларининг онги ва қалбида исломга муҳаббат ва ишонч тўлақонли шаклланиб улгурмаган бир вақтда зоҳидлик, ўзини Худога баҳшида этиш, унга иррационал яқинлашиш ва фоний дунёнинг лаззатларидан воз кечиши каби ғояларни ўзида жо этган бу таълимотга эҳтиёж жуда ҳам баланд эди. Ўрта асрларда тасаввуф одамлар ва исломни, одамлар ва Худони ўртасидаги масофани яқинлаштирувчи муҳим бир қўприк вазифасини ўтаб берди. Ва бу вазифани суфийлар ва зоҳидлар ўзларининг маънавий ахлоқий фалсафалари ва ғоялари билан амалга оширишди. Улардан бири гарчи ўзининг баъзи бир қарашлари бошқа суфийларнидан кескин фарқ қиласа ҳам, бу таълимотларидан ҳеч қачон чекинмаган ва шу орқали шухрат қозонган Муҳийиддин ибн ал-Арабийдир. Унинг фалсафий ва тасаввуфий, шунингдек ахлоқий ғояларини баъзи бир ўрта аср Европа файласуфларининг асарларидағи марказий ғояларга трансформациясини кўришимиз мумкин.

**Калит сўзлар:** Мусулмон илоҳиёти, ислом, тасаввуф, фалсафа, суфий, “Футтуҳот ал-Маккийя”, “Фусус ал-Хикам”, коинот, Худо (Ҳақ Таоло), Ваҳдат ул-вужуд, Мутлақ (Илоҳий) куч, тажаллий (эмансия), пайғамбар ва авлиёлар.

**Norboev Javlon Akbarali o'g'li**

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek  
1st stage master degree student of "Philosophy and Logic" department

**THE ROLE OF MUHYIDDIN IBN AL-ARABI IN THE ISLAMIC WORLD AND  
THE TRANSFORMATION OF HIS PHILOSOPHY TO EUROPE****ABSTRACT**

Sufism, which emerged almost simultaneously with Islam, reached its peak influence with the passage of time. If it is permissible to say, during the Middle Ages, in a time when the people's hearts were filled with love and faith towards Islam, before skepticism and self-indulgence became prevalent, and before indulging in the pleasures of the material world, there was a great need for teachings that emphasized asceticism, self-reflection in the presence of God, irrational devotion to

Him, and detachment from worldly pleasures. In the Middle Ages, Sufi scholars played an important role in bridging the gap between people and Islam, and between people and God. And they accomplished this task by implementing their spiritual and moral philosophies and aspirations. Although some of their perspectives differed sharply from those of other Sufis, they never wavered from their teachings, and through this, Muhyiddin Ibn al-Arabi, who gained fame for his philosophical, Sufi, and moral ideas, stands out. We can observe the transformation of his philosophical and Sufi, as well as moral ideas, into central themes in the works of some European philosophers of the Middle Ages

**Key words:** Islamic theology, Islam, Sufism, philosophy, Sufi, "Futuhat al-Makkiyya", "Fusus al-Hikam", community, Allah (True Reality), unity of being, absolute divine power, manifestation (emanation), prophets and saints.

**Норбоев Жавлон Акбарали угли**

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Магистр 1 курса кафедры «Философия и логика»

## РОЛЬ МУХИДДИНА ИБН АЛЬ-АРАБИ В ИСЛАМСКОМ МИРЕ И ТРАНСФОРМАЦИЯ ЕГО ФИЛОСОФИИ В ЕВРОПЕ

### АННОТАЦИЯ

Суфизм, возникший почти одновременно с исламом, достиг своего пика влияния с изменением времени. В средние века, когда сердца людей были наполнены любовью и верой к исламу, прежде чем скептицизм и самоуспокоение стали распространенными, и прежде чем погружаться в наслаждения материального мира, возникла большая потребность в учениях, которые подчеркивали аскетизм, самопознание в присутствии Бога, иррациональное посвящение Ему и отречение от мирских удовольствий. В средние века суфийские ученые сыграли важную роль в преодолении разрыва между людьми и исламом, а также между людьми и Богом. И они справились с этой задачей, реализуя свои духовные и моральные философии и стремления. Хотя некоторые из их взглядов сильно отличались от взглядов других суфииев, они никогда не отклонялись от своих учений, и в этом контексте выделяется Мухийиддин ибн аль-Араби, который приобрел известность своими философскими, суфийскими и моральными идеями. Мы можем наблюдать трансформацию его философских и суфийских, а также моральных идей в центральные темы в работах некоторых европейских философов средних веков.

**Ключевые слова:** Исламская теология, ислам, суфизм, философия, суфи, "Futuhat al-Makkiyya", "Fusus al-Hikam", община, Аллах (Истина), единое существо, абсолютная божественная сила, проявление (эмансация), пророки и святые.

**Кириши.** Ислом дини билан бир вактда VII – VIII асрларда пайдо бўлган тасаввуф ва зоҳидлик ҳаракати, кейинчалик диний йўналишга айланди. Бу даврда мусулмон зоҳидлари ва “руҳан бақувват” кишилар пайдо бўлди. Улар халифаликни марказий ва шарқий қисмларида, дастлаб Месопотамия, Сурия ва Шарқий Эронда аскетик жамолар ва давралар (тўғараклар) ташкил этилди. Эрамизнинг XIII асрига келиб бундай жамоалар бутун ислом оламида кенг ёйилди ва янги ижтимоий институт – тариқат шаклини олди; уларнинг ҳар бири ўзининг зоҳидлик амалиёти, ҳаёт тарзи, маънавий ахлоқий тизими насиҳат фалсафасига эга эди. Сўнгги ўрта асрларга келиб тасаввуф мусулмон жамиятининг ажralmas бир қисмига айланди. Ислом тасаввуфи Фарбий Европадаги ратсионалистик ва дунёвий тенденсиялар томонидан қисиб қўйилган мистизимидан фарқли равишда унинг таъсир кучи XX асргача сақланиб қолди.

Мусулмон оламида зоҳидлик ва тасаввуф ўзининг энг юқорига чиққан даврларда буюк тасаввуфшунос, ҳамда ўз даврининг етук илоҳиётшуноси ва файласуфи бўлмиш Мухийиддин Ибн ал-Арабий ўзининг ноодатий ва ўша даврда мавжуд бўлган консерватив қарашларга мутлақо қарама қарши бўлган гоя эгаси сифатида илм ва тафаккур майдонига кириб келганди,

уни “Шайх ул-Акбар” яъни шайхларнинг ақбари, етуки, олийси деб ном қозонган буюк феноменлардан бири эди.

Ислом динини тарқалишида ўзларининг таълимотларига эргашган кичик гурухли шогирдлари билан биргаликда Араб ярим ороли ва бошқа ҳудудлар бўйлаб ўз қарашларини баён этган Мұхайдиддин Ибн ал-Арабий, ўша даврларда тасаввуфшуносларга, илохиётшуносларга ва суфийларга бўлған муносабат яхши бўлмаслигига қарамасдан, у ва унга эргашувчи шогирдлар ўзларининг ғоялардан чекинишмаган ва уни тарқатишида, кенгайтиришда давом этган. Шу сабабли унинг илмий, илоҳий, ва фалсафий қарашлари ҳали ҳануз исломшунос, манбашунос, шунингдек тасаввуфшунос олим-у тадқиқотчиларнинг эътибор марказидадир.

Мұхайдиддин Ибн ал-Арабийнинг таълимоти ва фалсафий қарашлари консерватив мусулмон оламининг баъзи бир диний вакилларига ва уларнинг дорматик қарашларига зид бўлганлиги сабабли улар чеклов ва чегаралар остида бўлишга мажбур бўлди, ва бу омиллар ушбу қарашларни етарлича тушунилмаслигига бунинг ортидан уларни керагича қадрланмаслигига сабаб бўлди, шунга қарамасдан оддий одамлар ва хукмдорлар томонидан унга кўрсатилган хурмат ва эҳтиром барибир юқори даражада эди. Ҳаттоқи уни куфронга талимот деб баҳоланувчи - “Ваҳдат ул вужуд” нинг асосчиси, ўзини Худога тенглаштирган суфий сифатида ҳам танқид қилишган бўлса ҳам.

“Мұхайдиддин Ибн ал-Арабийнинг ёзма мероси, унинг ўзи баҳолагандек, икки юз элликдан уч юзгача бўлған асарни ўз ичига олади; айрим ҳозирги замон тадқиқотчилари улар аслида икки баровар кўп эканлигини таъкидлашади”[1]. Жумладан, “Абдулваҳҳоб Шарьоний унинг асарлари сонини 400 дан ортиқ деб билса, Жомий уларнинг сонини 500 дан ортиқ дейди. “Ҳадят ул-орифийн” муаллифи эса Ибн ал-Арабийнинг 475 та асарини санаб ўтади. Олмон шарқшуноси Карл Броккелманнинг аниқлашича, уларнинг сони 150 жилдни ташкил этади. Эронлик тасаввуфшунос олим Мұҳсин Жаҳонгирий эса Ибн ал-Арабийнинг 511 та асарининг рўйхатини келтиради” [2].

Ибн Арабийнинг асарлари ҳажмига кўра, бир-бирида фарқ қиласди: у икки-уч бетли рисола ҳам, кўп жилдли асарлар ҳам ёзди, масалан, Қуръонга тугалланмаган тафсир ва кўп жилдли “Футтуҳот ал-Маккийя” (Макка ғалабалари), “Фусус ал-Ҳикам” (Ҳикматлар дурданаси), “Китоб ас-саб’а” (Йетти ҳикмат китоби), “Мафотих ал-ғайб” (Ғайб қалитлари), “Китоб алҳақ” (Ҳақиқат китоби) каби асарларини ёзган.

Асл исми Абу Абдуллаҳ Мұхаммад Ибн Али Ибн Арабий Ал Таъи Ал Ҳатими бўлган Мұхайдиддин Ибн ал-Арабий 1165-йил Мурсияда таваллуд топади. Ибн Арабийнинг охирги уч исми унинг уруғи ва оиласинг номларини англатади. У Таъя (баъзи манбаларда Тайя) уруғига мансуб бўлиб, унинг бобоси бу уруғ-қабила ичида машҳур инсон бўлған. Баъзи бир манбаларда ёзилишича: Ҳатими Арабистон чўлларига мажбуран олиб келинган кўчманчи қабиладсаги инсонларга сув ва бошпана бериб, уларнинг ва бошқа арабларнинг ичида ўзига хос меҳрибонлик ва сахийлик рамзи бўлған. Ибн Арабийнинг отаси дастлаб Мурсияда амалдор бўлиб ишлаган, Мұхаммад Ибн Сауд Ибн Марданиш. Кейинчалик эса Мұхаммад (с.а.в) халифалари учун ишлаган. Ибн ал-Арабийнинг отаси машҳур инсонлар билан ва юқори лавозимларда ишлаши унинг яхши таълим олишига ва ўша даврнинг етук олимлари, хусусан Ибн Рушд билан мулоқот қилишига йўл очиб берган. У ёшлик чоғиданоқ тасаввуфга ва ислом илоҳиётига қизиқиб қолди, бу қизиқишлиринг сабабчилардан бири тоғасининг ўз умрини исломга тоат ибодат қилишга бағишилаганлиги бўлди, қўшимча тарзда унинг онаси атрофдаги яхши таълим кўрган аёллардан бўлганлиги уни илмга, хусусан тасаввуф ва фалсафага қизиқишига туртки бўлди.

**Адабиётлар таҳлили ва методлар.** Мақолани ёзишда асосан Александр Книшнинг “Мусулмон тасаввуфи” китоби ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг монографиялари методологик манба бўлиб хизмат қилди ва бундан ташқари Мұхайдиддин Ибн ал-Арабий фалсафаси ва тасаввуфий қарашлари тўғрисидаги бир неча Ғарб ва Шарқ олимларининг мақолаларини таҳлил қилиш орқали мавзунинг моҳияти очиб беришга ҳаракат қилинди. Шунингдек, Ибн ал-Арабий ҳакида ёзилган илмий адабиётлар ҳам ўрганилди. Ушбу мақолада

турли хил методлардан, хусусан: тарихийлик, анализ ва синтез шунингдек, мантиқийлик каби илмий билиш методларидан фойдаланилди. Асосан мавзуни ёритишда тарихий-таҳлил методига кўпроқ таянилди. Мақолада Ибн ал-Арабийнинг фалсафаси ва унинг тасаввуфий қарашларини, шу билан биргаликда эса унинг шахсиятига, ҳамда унинг фалсафий ғояларини Европага трансформатсияси ва унинг бутун мусулмон тасаввуф оламидаги унинг бекиёс ўрни ва аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

**Натижга ва муҳокама.** “Муҳиддин Ибн ал-Арабийнинг ўзининг ҳаётини дастлабки йиллари ҳақида ёзишни хоҳламаган, чунки ўз ҳаётининг муҳим даврида – маънавий қайта туғилиш ва тасаввуфий йўлда ўзини қарор топтираётган даврда “дунёвий” одамларга буни маълум қилишни муносиб кўрмаган. Унинг сўзларига қараганда, маънавий жиҳатдан уйғонишига самовий овоз туртки берган: унинг дунёвий машғулотларини тарк этиб, ўзини тўла Худога хизмат қилишга буюрган” [3]. Бу воқеалардан сўнг дунёвий ҳаётдан воз кечиб, тасаввуфий йўлга киради. Ўзига маънавий устоз излаб Мағрибга келади, ва бу ерда жуда кўплаб шайхларни учратади, уларнинг кўпчилиги ўзларини буюк зоҳид ва воиз Абу Мадян (594/1197) издошлари ва шогирдлари деб ҳисоблайдилар. Ибн ал-Арабий 37 ёшида Маккада ҳаж зиёратини амалга оширгандан сўнг, у эзотерик илмлар, тасаввуф амалиёти ва мураббийлик усусларига оид олтмишга яқин китоб ёзади. Аммо бу асарларнинг ҳеч бири унга кутилган шуҳрат келтирмайди, қачонки мусулмон оламини Шарқига келганидан сўнг унинг истеъдоди рӯёбга чиқади ва ўзининг машҳур асаларидан бўлмиш тасаввуф илмининг дурдоналаридан бири “Фусус ал-Ҳикам” (Ҳикматлар дурдонаси ёки Донишмандлик дурдонаси) ва кўп жилдлик “Ал-Футтуҳот ал-Маккийя” (Макка ғалабалари) ни ёзишга муваффақ бўлади.

Муҳиддин Ибн ал-Арабий Шарқда ўша даврнинг буюк илоҳиётчилари ва суфийларидан дарс олишда давом этади. Ҳижознинг машҳур ва муқаддас шаҳарларида, ҳозирги Фаластин, Сурия худудларида, шунингдек Ироқ ва Анталияда узоқ яшайди. Сафарларда кичик гуруҳли ўзининг шогирдлари билан биргаликда боради, Ибн ал-Арабийнинг вафотидан сўнг эса улар унинг ғоялари тарқатувчи ва давом эттирувчи ролида бўлишади.

Муҳиддин Ибн ал-Арабийнинг мусулмон илмлари соҳасидаги чуқур билимдонлиги ва маънавий устоз сифатидаги обрўси уламолар ўртасида ҳам, оддий мусулмонлар ичида ҳам ҳаттоқи дунёвий ҳукмдорлар орасида ҳам юқори бўлган. Бунга яққол мисолни, Мичиган университети (АҚШ) профессори Александр Кинш ўзининг “Мусулмон тасаввуфи” китобидадан, устоз таржимон Қодиркул Рўзматзода шундай таржима қиласиларки: “Ибн ал-Арабий Сурияда Аюбийлар сулоласи ҳукмдорларининг сахиyllигидан кенг фойдаланганлиги, Анатолия (Рум) да эса салжуқий сultonлари томонидан илиқ кутиб олинганлиги” фикримизни исботидир” [3, 209-б]. Уларнинг ҳомийлик ёрдамини қабул қилишига қарамасдан ҳеч қачон манфаатпарастлик билан шуғулланмади, бирорта ҳукмдорнинг хизматига кирмайди. Ибн ал-Арабий умрининг охиригача нойибларнинг ҳомийлиги остида бўлади, ва ана шу омилнинг ўзигина унинг фалсафасини кенгроқ ёйилишига сабаб бўлди.

Муҳиддин Ибн ал-Арабий ўзининг тасаввуфий қарашларини бирорта асарида аниқ ва изчил баён этмаганлиги билан ажабланарлидир. Унинг мутлақ бирлик фалсафаси ва Худонинг коинот ҳодисаларида бевосита иштирок этиши тўғрисидаги асосий ғоясини атайин мужмал тарзда баён этади. Ибн ал-Арабий мусулмон файласуфларининг мантиқий хулоса чиқариш билан таниш эди. Бироқ фалсафий илм охир оқибат доимо ўзгариб турган. Шу сабабли тушуниш мушкул бўлган Худо ва инсон, инсон ва коинот, Худо ва коинот ўртасидаги муносабатларни айнан бера олмаслигини такидлар эди. Шу билан биргаликда у сунний илоҳият ва ҳукуқшуносликнинг зарурлигини эътироф этган ҳолда илк мусулмон авторитетларига кўр кўрона тақлид қилишга ўта салбий муносабатда бўлади, ва буни кескин қоралаб маънавий ва интеллектуал ҳомлик деб баҳолайди.

Муҳиддин Ибн ал-Арабий ўзининг “Фусус ал-Ҳикам” асарида авлиёлик ва пайғамбарлик ўртасидаги ўзаро муносабатларга бўлган қарашлари, шунингдек, унинг комил инсон концепцияси, Худонинг предметлар ва яратилган олам ҳодисаларида “ўзини ўзи

очиши”, илохий ироданинг турли модуслари ва Куръоннинг сирли маъносини ҳақида баён этган. “Шайх ул-Акбар” нинг фалсафий таълимотига кўра коинотни илохий ўз ўзини билишнинг маҳсули деб ҳисоблайди. Бу эса ноёб ва билиб бўлмас илохий моҳиятнинг ўзини маҳлукот олами нарсалари ва ҳодисаларни намоён этишга унади, айни вақтда унинг мукаммал сифатларининг ўзига хос қўзгуси бўлди десак адашмаган бўламиз. Ибн ал-Арабий таълимотида Худо мутлақо бегона, ва етишиб бўлмайдиган моҳият эмас, кўпчилик сунний илохиётчилари уни етишиб бўлмайдига моҳият деб тасаввур қиласидар. Ва шунинг учун Ибн ал-Арабийни ибтидоий ислом пантеизми яратувчиси сифатида тушунадиган, “ваҳдат ал-вужуд” ни куфрана таълимотнинг асосчиси сифатида билишади ва танқид қилишади. Аслида эса унинг фалсафий ва тасаввуфий таълимоти айниқса борлик тўғрисидаги қарашалари анча кенгрокдир.

Ваҳдат ул вужуд - борлиқнинг бирлиги ва ягоналиги ҳақидаги таълимот яъни олам бирлигидир. Аллоҳ таоло борлиқдаги жамики мавжуд нарсаларни йўқдан бор қилди эмас, балки ўз вужудидан яратди - бу аксарият ваҳдат ул вужудчиларнинг таълимотидаги марказий гояси, аммо бу фикрлар ахли сунна вал-жамоат вакилларининг нуқтаи назарига қарама қарши эди, улар бутун оламларни яратган йўқдан бор қилди, яъни йўқдан яратди дейишган. Ахли сунна вал-жамоа эътиқодига эргашувчилар эса бу тушунчаларни куйидаги талқин қиласиди:

1. Вужуд-ул вожиб – Худонинг якка мавжудлиги;
2. Вужуд-ул мумкин – Худо яратмаса ҳам бўладиган аммо яратган вужудлар;
3. Мумтанеъ ул-вужуд – мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган

вужуд;

Яъни, Аллоҳнинг шериги мавжуд бўлиши мумкин эмас.

“Муҳиддин Ибн ал-Арабийнинг “вужуд-ул вожиб” таълимотидаги “вужуд” тушунчаси Шарқ мутафаккирлари хусусан Форобий, Ибн Сино ва Умар Хайём фалсафасидаги “вужуд” сўзи билан ўхшаш ҳолда талқин қилсан бўлади, аммо уларда кўпроқ диний, ирфоний маъно касб этган” [2, 61-б]. Ибн ал-Арабий таълимотида “вужуд” борлик билан олам икки алоҳида категория ҳисобланади. Шунга кўра олам вужуд бўлолмайди. Демак у “вожиб ул вужуд” нинг бир қисмидир: Олам яратганинг ўзи эмас, балки у Худонинг вужудида зоҳир бўлган бир нарсадир. Шайх ул-Акбар талқин қилган, ва кейинчалик унинг шогирдлари томонидан давом эттирилган бу таълимот оламдаги жамики барча мавжудотлар бирлашиб, бутун бир Мутлақ вужудни ташкил этади деган фикрга асосланган таълимотгина эмас. Аксинча, бу таълимот борлик ягона мавжудликдан иборат, у якка ягона мавжудлик – Аллоҳдир деган фикрга асослангандир. Яъни бу таълимотда ширк ва даҳрийлик эмас, балки тавҳидни энг олий наъмунаси ётади. Бошқача талқин қилсан, ваҳдат ул вужуд назариясига кўра олам Яратганини, яъни Худоники – яъни олам факатгина уни хоҳиши туфайлигина ўзи томонидан яратилган. Ёинки, Ҳақ таоло ўз ўзини танитиш учун борлиқни яратди. Борлик гўё кўзгу бўлиб, Ҳақ жамоли, илм-у ҳикмати унда акс этади, гавдаланади. Шунда бу ғоянинг муҳим жиҳати яъни тажаллий гояси ҳам келиб чиқади. Яъни, Аллоҳ таоло (Худо) оламдаги барча воқеа ҳодисалардан тортиб, жисмларнинг ўзаро ҳаракати ва ҳаракатсизлиги, мавжудлик ва тирик қолиш қонуниятлари, ўсиш, улғайиш ва емирилиш – ҳаммасида унинг аралашуви мавжуд, усиз ҳеч нарса мавжуд бўлолмайди ва ҳатто ҳаракатга келолмайди. Ҳамма нарса унинг назорати, бошқаруви остидадир. Шу аснода бутун олам ягона Мутлақ Руҳнинг иштироки ва амри билан мавжуд. “Демак ҳақиқий ва абадий вужуд унинг якка-ю ягона ўзи, моддий олам эса – абадий эмас, балки фонийдир ёки Мутлақ руҳнинг хаёли, холос” [4].

Муҳиддин Ибн ал-Арабий ва унинг шогирдларининг ваҳдат ул-вужудий таълимотига биноан, Илохий Нур ўз табиат ва тақозасига кўра ашёларга бир хил ҳолатда, бир хил рангда тажаллий этади. Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: агар хилма хилликдан ҳоли бўлган Мутлақ Нур қандай қилиб бир вақтнинг ўзида турли ашёларга турли хил рангда таъсир қилиши мумкин?

Муҳиддин Ибн ал-Арабий ва унинг издошлари бу саволга жавобни аналогия ёрдамида топишга ва тушунтиришга ҳаракат қиласидар. Яъни қуёшнинг нур сочиш ҳолатига мурожаат

этиб, оламдаги мавжуд ашёларни шишаларга ўхшатғанлар. Табиийки, шишалар ҳар хил бўлади, ранги, ҳажми, шакли, жойи, табиати, хуллас, хусусият ва моҳият бир биридан фарқ қиласди, маълумки Илоҳий Нур одамзод ақл-у идроки идрок этишга ожизлик қиласди ягона рангидаги устувор ва сабит туради. Аммо у бекарор эмас, балки ўзгармасдир. Уни ҳеч қандай ҳолат, шароит ва куч ҳам ўзгартира олмайди. Моҳияти ва хусусияти бир бирини тақрорламас шишалар Илоҳий Нурдан тарааладиган файзни қабул қилиш қобилияти ва имконияти ҳар хил бўлиши мумкин. Ибн ал-Арабий бу таълимотида Мутлақ Рух ўзгармас, ва унинг алтернативи йўқ. Унинг куч қудрат ва имконият сарҳадини англаш учун одамзот онги ноқисдир, оламдаги яралмаларнинг барчаси бир бирини тақрорламас даражада ҳар хил. Бу бутун оламлар яратувчисининг “мутлақ куч” соҳиби эканлигидан далолатдир.

Ислом пантеизми – Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси асосчиси Ибн ал-Арабийнинг фалсафий ва ирфоний қарашлари Ўрта аср Европа фалсафасига трансформатсия бўлган, баъзи бир файласуфларнинг ўта қаттиқ қизиқшини уйғотган ҳамдир. Юқорида айтиб ўтилгандик, Муҳиддин Ибн ал-Арабий Андаласуида туғилиб, тарбия топади, араб-испан маданиятидан баҳра олади, табиий равишда христианлик дини ва Европадаги мавжуд фалсафий тафаккур тарихидан ҳам баҳраманд бўлади. Ибн ал-Арабийнинг тафаккуридаги Ғарб олами диний фалсафий тафаккурига ўхшаганлигини шу омиллар билан исботласак бўлади. Лотин ва Европа тилларига таржима қилинган бошқа араб, умуман мусулмон оламининг етук вакилларининг асарлари билан биргаликда Ибн ал-Арабийнинг ҳамижодий ишлари ёки улардан парчалар бевосита таржима қилинган. Хусусан, “Данте ўзининг “Илоҳий комедия” сида қайсиидир маънода Ибн ал-Арабий каби фикр юритади. Жумладан, жаннатнинг турли осмонларида энг яхши, олийжаноб инсонларни жойлаштиради, ҳар бир сайёрани бирон бир пайғамбар ёки авлиёга нисбат беради. Айнан шу усул “Фусус ал-ҳикам” да ҳам ишлатилган. У “Фусус ал-ҳикам” нинг ҳар бир “фасс” ини Қуръони каримда зикр этилган муайян пайғамбар исми билан боғлайди” [2, 64-б]. “Пико Делла Мирандола эса ўзининг “Мавжудлик ва бирлик” номли асарида баъзи бир пантеистик ғояларни ҳам баён этиб ўтади. Пиконинг қарашларининг марказида “Худо ва олам бир бутун ажралмас борлиқдир”, “Худо оламнинг энг охирги, якунловчи моҳиятидир” ва “Худо табиатдан ташқари мавжуд бўлмайди, балки у табиат билан бирга бўлади” деган ғоя ётади” [5]. Ибн ал- Арабийнинг ваҳдат ул-вужуди тўрт қисмдан иборат:

1. “Худо Ягона ва Мутлақ Вужуддир.

2. Худо яъни Ҳақ Таоладан ўзга нарсалар асли мавжуд эмас. Бутун олам, ундаги мавжудотлар ва моддий, номоддий ашёлар, инсоният олами ва бошқа жамики нарсаларни мавжудлик деб бўлмайди. Чунки уларнинг мавжудлиги Мутлақ кучнинг, яъни Худонинг мавжудлиги билан боғлиқдир.

3. Оламдаги барча мавжудотлар, жумладан, инсоният, ҳайвонот ва набобат оламининг борлиғи ҳам аслида Ҳақ Таолонинг борлиғидир.

4. Олам ва ундаги жамики мавжудотлар ўзлари якка мавжуд бўлолмайди, сабабаби улар Худонинг тажаллийси яъни эманатсиясидир” [2, 64-б].

Муҳиддин Ибн ал-Арабийнинг фалсафий ва тасаввуфий ғояларининг Европа бўйлаб трансформациясини унинг биргина ваҳдат ул-вужуд яъни олам бирлиги концепцияси баъзи бир ўрта аср файласуфларининг мағкурасига таъсирини уларнинг асарларида марказий қарашлардан билиб олиш қийин эмас.

Шу билан биргаликда, Ибн ал-Арабийнинг яна бир муҳим ғояси бу комил инсон концепциясидир. Ал-инсон ал камил яъни комил инсон тушунчаси ўзининг “Фусус ал-ҳикам” асарида бир неча бор бу сўзни ишлатилганлигини кўришимиз мумкин. Унинг комил инсон концепцияси ва бутун борлиқ бирлиги (ваҳдат ул-вужуд) таълимоти бир бирини ғояларнинг яқинлиги боғлаб туради. Буни бошқа тасаввуфшунос, манбашибунос айниқса шарқшунос олимлар, хусусан узоқ Шарқлик Масатака Такешита ҳам таъкидлаб ўтганки: бу икки таълимот бир бирини узвий талаб қиласди яғоий эгизаклардир. Ҳақиқатдан ҳам бу икки ғояни бир биридан айро ҳолда тушуниш ва тасаввур қилиш уларнинг моҳиятини етарлича англанмасликка сабаб бўлади. Бутун мусулмонлар шайхи деб ном қозонган Ибн ал-Арабий

ҳақиқий комил инсонни у аввало нафсга қул бўлмаган, ақлга ошно бўлган ва Худони таниган инсон тимсолида кўради. У “Муҳаммад ҳақиқати (ал-хаққа ал-Муҳаммадия), Ҳақиқатлар ҳақиқати (ҳақиқат ал-ҳақаъиқ) каби шунга ўхшаган номлар орқали комил инсонни пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) номи билан боғлашга ва асл камолатга етган шахс сифатида уларга расмий рамз бериб кетади” [6]. Муҳийиддин Ибн ал-Арабий наздида комил инсон тимсоли фақатгина Ҳақ таоло томонидан ерга вакил қилиб юборилган пайғамбарларгагина хос ва мосдир. Чунки улар гуноҳкор бандаларни тўғри йўлга бошлиш ва Ҳақ таоло сари эргаштириш учун юборилгандир, ва улардан бири бу Муҳаммад (с.а.в) ҳисобланади. У кишини ҳақиқий комил шахс сифатида кўрсак бўлади, чунки оддий одамлар, донишмандлар, авлиёларга берилмаган ғайриодатий куч Аллоҳ томонидан уларга берилган эди. Комиллик аввало Мутлақ кучнинг яъни Худонинг қурратини ва унинг чексиз имкониятларини олдида ўзини майда заррачалик ҳам эмаслигини англашдир.

Муҳийиддин Ибн ал-Арабий ижоди ва унинг қарашлар олами турли хил қитъаларда илм билан хусусан тасаввуфий, ирфоний ва фалсафий илмларга бефарқ бўлмаган олимлар учун ҳали тўлиқ қашф этилмаган форга ўхшайди. У форнинг мавжудлиги ҳақиқат, аммо унинг ичидаги сир синоат тўлоқонли маълум эмас, маълумлари эса етарлича тушунилмаган, ўрганилмаган ва англанилмаган. Ва мана шу омиллар ҳали ҳануз Шарқ ва Фарб олимларнинг Ибн ал-Арабийнинг ижодини ўрганишга иштиёқманд эканлигини кўрсатади. Улардан бири Американинг нуфузли университетида фаолият олиб борган Эроншунос олим Уилям С.Читтикнинг ҳам Муҳийиддин Ибн ал-Арабий ишларини ўрганиш борасидаги хизматлари анча салмоқлидир. Унинг Шайх ул-Акбарнинг ижодига қизиқиб қолишига асосий фактор етук шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомийдир. У Илоҳий куч томонидан реал борлиқни яратишидан бирламчи мақсад бу инсонлардир. Одамларсиз бу борлиқ, борлиқ эмас ва ҳатто Худога ҳам бунақа борлиқни кераги йўқ, чунки одамларсиз бу борлиқда маъно ва мақсад йўқ, маъно одамлар бўлса, мақсад эса уларнинг мавжудлигини таминлашдан иборатдир. Бутун олам инсоният учун хизмат қилиши керак, одамлар олам учун эмас.

Муҳийиддин Ибн ал-Арабий борлиқни яратилишидан асосий мақсад фақатгина инсонларнинг мавжудлигини таминлашгина эмас, балки комил инсонни дунёга келиши ва одамларнинг комилликка ҳаракат қилишлари ва бу орқали Худога иррационал яқинлашиш, танишдир. У комил инсонни қўйидаги тоифаларга бўлади:

1. Биринчи тоифага Муҳаммад (с.а.в) гача бўлган барча ер юзига юборилган пайғамбар, набий ва валийлар;
2. Олий тоифага эса фақат пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ни якка ўzlари;

Муҳийиддин Ибн ал-Арабий олий яъни юқори тоифадаги комилликка фақатгина сўнги пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) якка ўzlарини киритади, сабаби у(лар) комил инсоннинг ҳақиқий намунаси сифатида унинг кўз олдида гавдаланади.

Шунингдек у ўз асарининг бош саҳифасида: “Бутун коинот инсонсиз – мақсадсиздир ва уларсиз бутун олам ҳалокатга учрайди, бу ходиса қачонки дунёдан комил инсон вафот этгач рўй беради” У бу сўзлар орқали қиёматга ишора қилиб, охирги пайғамбар бўлмиш Муҳаммад (с.а.в) яъни комил инсоннинг бу ёруғ оламни тарқ қилгандан сўнг рўй беришини таъкидлайди, гўё.

Шайх ул-Акбар ҳам комилликни фақатгина пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) да кўрган бўлишига қарамасдан, балки комиллик инсон фитратидан ташқарида бир нарса (сифат) эмаслигини, шунингдек одамлар ҳар доим комилликка ҳаракат қилмоғлари чунки дунё ҳам шу сабабли яратган томонидан яратилганлигини, инсонсиз борлиқни, борлиқсиз эса инсонни тасаввур қилиш мумкин эмаслигини ўзининг асарларида таъкидлаган.

Муҳийиддин Ибн ал-Арабийдан бой илмий ва адабий мерос қолган ва бу маънавий мероснинг катта бир қисми тасаввуф ва ирфон, калом (илоҳиёт), фалсафа, тарих, ахлоқ ва фиқҳ илмларига тегишли. Ибн ал-Арабий яхши шоир ҳам бўлган, ишқий-ирфоний ғазаллар ва қитъаларидан таркиб топган девони – “Таржумон улашвок” билан шоир сифатида ҳам катта шуҳрат қозонган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ибн ал-Арабийнинг фалсафий ижодини унинг шеъриятисиз тасаввур қилиш қийиндир. Айниқса унинг метафизик ва ахлоқий

қарашлар билан лиммо лим бўлган шеърий ижоди ўша даврдаги илм аҳлини ҳайратга солган. Ибн ал-Арабий араб тилида жуда катта сўз манбайига эга эди, ва шу орқали ўзининг шеърларида Қуръон ва унинг оятларидан парчалар келтириб, ҳамда уларга ишоралар бериб ўтган. Гарчи унинг шеърий ижодини мустакил бир санъат сифатида баҳоланмаса ҳам, уни такидлаб ўтмаслик адолатсизликдир.

**Хулоса.** Ўрта асрларда ҳали ислом динига тўлақонли ишонч ва эътиқод ҳар бир одамнинг онгида бирдек шаклланмаган бир пайтда зоҳидлик, ўзини Худога бағишлаш, доимо яхшилик қилиш, фоний дунёнинг лаззатларидан воз кечган ҳолда боқий дунёнинг ташвишида ҳаёт кечириш каби ўзларининг тасаввуфий қарашларига эга бўлган суфийлар пайдо бўла бошлади ва улардан бири, айтиш жоиз бўлса энг етук вакилларидан Муҳийиддин Ибн ал-Арабийдир.

Муҳийиддин Ибн ал-Арабий суфийлик билан билан биргаликда ўзининг фалсафий қарашлари ўз даврида кескин муносабатларга сабаб бўлиши билан биргаликда, бутун Европа бўйлаб кенг миқёсида тарқала бошлади, ҳаттоки унинг “Мутлақ бирлик” концепцияси ва Худо ва коинот ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қарашлари Европа бўйлаб трансформация бўла бошлаганлигини мақола давомида баъзи бир исботларни келтирдик, асосий аргумент сифатида баъзи ўрта асрлар файласуфларининг, хусусан Дантенинг “Илоҳий комедияси” ва Пико Делла Мирандоланинг “Мавжудлик ва бирлик” асарларидағи пантеистик ғояларни Шайх ул-Ақбарники билан ўхшашлигидан кўриш мумкин.

Муҳийиддин Ибн ал-Арабийнинг ижодига ҳаттоки Европа ва узоқ Шарқдаги олимлар томонидан қизиқиш катта бўлган, ва ҳозиргача ҳам бўлмоқда, афсуски ўз даврида ва ундан кейинг мусулмон оламидаги турғунлик вақтида унинг асарларига берилиши лозим бўлинган эътибор бир неча асрлардан сўнг қайтариб берилди. Турғунлик бу биринчи омил бўлса унинг фалсафаси, тасаввуфий қарашлари ва умуман бутун ижодини кам тадқиқ қилинишига, иккинчи сабаб эса албатта Ибн ал-Арабийнинг ўз давридаги уламолардан, суфийлардан фарқли фикрлаганлиги, унинг баъзи бир қарашларини уламо-ю олимлар томонидан куфона таълимот, ўзини эса қуфрга етакловчи ҳаттоки ўзини Худога тенглаштирган деб баҳоланиши бўлди. Аслида эса у учун Худо ва инсон ўртасидаги масофа узоқ эмас эди, балки иррационал тарзда унга яқинлашиш, ўзини баҳшида этиш мумкин эди.

Қанчалик муаммоли даврда яшамасин, ёки унинг фалсафий қарашлари парадоксол баҳсларга сабаб бўлмасин. Уларнинг барчаси бутун мусулмон олами учун зарур ва аҳамиятлидир. Ва буни европалик файласуф Ж.Моррис ҳам такидлаб, унга шундай баҳо беради: “Ибн ал-Арабийнинг фалсафаси ва тасаввуфий асарлари бутун мусулмон оламининг вакиллари учун қандайдир маънавий кўзгу бўлишга буюрилгандек. У ҳар бир инсоннинг сирли ният, майл ва интилишларини ҳайратланарли аниқлик билан акс эттиради ва рўёбга чиқаради” [7].

Муҳийиддин Ибн ал-Арабий ҳаёти давомида жуда кўплаб танқидларга учрашига қарамасдан ўзининг фалсафий таълимотида событилиги билан, шу билан биргаликда уни тушуниш мушкул бўлган асарларини ёзишда давом этганлиги билан мусулмон суфийлари ичида алоҳида ўринга эга. Мусулмон суфийларининг ҳар бири аввал бошиданоқ Ибн ал-Арабийнинг шахсиятига, ва албатта унинг фалсафий, қолаверса тасаввуфий қарашлари билан юзланишга мажбур. Хусусан, унинг “Фусус ал-ҳикам” асарини ўқиб, уни таҳлил қилиб моҳиятига етмоқлари керак. Бутун мусулмон шайхи деб улуғланган Ибн ал-Арабийнинг ижодий методологияси кўп қиррали ва шу билан биргаликда тушуниш мушкулдир. Унинг баъзи бир қарашлари, жумладан коинотни илоҳий ўз ўзини билишнинг маҳсули деб ҳисоблашидир. Бу эса ноёб ва билиб бўлмас илоҳий моҳиятнинг ўзини маҳлуқот олами нарсалари ва ҳодисаларини намоён этишга унади, айни вақтда эса унинг мукаммал сифатларининг ўзига хос кўзгуси бўлди. Бу гоя кўплаб ўрта асрлардаги уламоларни танқидига учради ва улар Ибн ал-Арабийни Худо ва коинотни айнанлаштиришда айладилар, бу эса Худони тўлиқ билиб бўлмаслиги ва абадийлиги тўғрисидаги анъанавий мусулмон тасаввурларига зид эди. Муҳийиддин Ибн ал-Арабий фалсафаси жуда ҳам кенг тармоқли, шу сабабли унинг ижодига турли хил ракурсдан қараш ва таҳлил қилиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. O. Yahia, *Histoire et classification de l'oeuvre d'Ibn 'Arabi* PIFD, 1964.
2. Жафар Холмўминов Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Нақшбандия тариқати. Монография.  
- Тошкент: 2020.
3. Кныш.А.Д. Мусулмон тасаввуфи. - Тошкент: Фан зиёси, 2022.
4. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009.
5. Гуннер Скирбекқ, Нилс Гилье. - Тошкент: Шарқ, 2002.
6. *Jili,al-Insan al-Kamil fi Ma'rifat al-Awakhir wa al-Awa'il* (Kairo 1970) II,72.
7. Morris J.W., “How to study the *Futuhat*” in Muhyiddin Ibn Arabi: A commemorative volume.  
Ed. by S.Hirtenstein and M.Tiernan, Brisebane, 1993.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ  
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE  
VOLUME 5, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000